

**«Ўзпартампонаж» АЖнинг 2023 йил молиявий – хўжалик яқунлари бўйича
акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
4–сонли БАЁННОМАСИ**

29 июн 2024 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 15:30

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси

«Ўзпартампонаж» АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун рўйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди, жумладан Акциядорларни рўйхатга олиш яқунига кўра умумий йиғилишда «Ўзпартампонаж» АЖнинг жойлаштирилган жами 8 447 400 дона овоз берувчи акцияларга эгаллик қилувчи 410 та акциядорлардан, 7 нафар акциядор рўйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами 6 310 600 дона овоз берувчи акцияларни ташкил этаганлиги, йиғилиш қворуми 74,7 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 68-моддасига асосан қворумга эга эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили ишончнома асосида А.О.Мавлонов – 779 922 дона овоз, «INTEGRA EURASIA» МЧЖ вакили ишончнома асосида Ҳ.Р.Сафаров - 816 200 дона овоз, «Magelan Services GmbH» компанияси вакили ишончнома асосида А.У.Махмудов – 1 267 110 дона овоз, «PTS DRILLING SERVICES» МЧЖнинг вакили ишончнома асосида Д.П.Улугхўжаев – 2 261 168 дона овоз ва бошқа 3 нафар жисмоний шахслар – акциядорлар 1 168 200 дона овоз билан катнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 77-моддасига (3-банди) ва «Ўзпартампонаж» АЖ Уставининг 10.2. бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгаши раиси узурли сабабларга кўра катнаша олмаганлиги инobatга олган ҳолда акциядорларни йиллик умумий йиғилишини раиси этиб кузатув кенгаши аъзоси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили А.О.Мавлонов ҳамда баённомани расмийлаштириш учун йиғилиш котиби этиб жамият корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Н.Қ.Мингяшаров номзоди таклиф этилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 4 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилиш таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

Кузатув кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси

Давлат активларини бошқариш агентлигининг
ишончномага асосан вакили, йиғилиш раиси -

А.О.Мавлонов

Кузатув кенгаши аъзоси -

А.М.Юнусматов

Кузатув кенгаши аъзоси -

М.У.Аъзамов

«Ўзпартампонаж» АЖ ишончли бошқарувчиси -

А.А.Файзуллаев

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. «Ўзпартампонаж» АЖнинг Кузатув кенгашининг 2023 йилда ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.

4. «Ўзпартампонаж» АЖ ижроия органининг 2023 йил яқунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узок ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.

5. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2023 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори ва тартибини тасдиқлаш.

7. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилот “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖнинг ҳисоботини тасдиқлаш.

8. “Ўзпартампотаж” АЖ ишончли бошқарувчисига тўланадиган хизмат ҳақи ва компенсациялар ҳамда уларнинг миқдорини белгилаш.

9. “Ўзпартампотаж” АЖнинг акциядорлари томонидан 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган ва талаб қилиб олинмаган дивиденд қарздорлигини жамият фойдасига олишни тасдиқлаш.

10. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиладиган текшириш ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудиторни сайлаш.

11. “Ўзпартампотаж” АЖнинг Устави янги таҳрирда тасдиқлаш.

12. “Ўзпартампотаж” АЖ ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва уни янгидан тасдиқлаш.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан корпоратив муносабатлар ва қимматли коғозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. У жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

М.Эримов	- санок комиссияси раиси,
И. Хожиев	- санок комиссия аъзоси,
А. Олимов	- санок комиссия аъзоси.

Регламент бўйича кун тартибидага 12 та масала киритилганлиги ва ҳар бир масала бўйича сўзга чиқувчиларга ҳамда муҳокама ва овоз бериш учун 5 дақиқадан ажратишни таклиф этди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 310 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат М.Эримов, С.Эргашев ва А.Кароматовлар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан йиғилиш раиси А.О.Мавлонов сўзга чиқди. У 2023 йил давомида жами 17 та «Ўзпартампотаж» АЖ кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилганлиги, Кузатув кенгашининг ваколатига қирадиган масалалар қўриб чиқилганлиги ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинганлигини айтиб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 310 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича «Ўзпартампонаж» АЖ ишончли бошқарувчиси А.А.Файзуллаев сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2023 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2024 йилда олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (*маъруза илова қилинади*).

“INTEGRA EURASIA” МЧЖ вакили – Ҳ.Р.Сафаров сўзга чиқиб, бизнес-режада белгиланган машина-соатлар режаси кўрсаткичи тўлиқ бажарилмаган бўлса-да, қандай қилиб жамият соф фойда кўрсаткичини бажаришга эришилганлигини сўради.

Жамият ишончли бошқарувчиси А.А.Файзуллаев ўз сўзини давом эттириб, жамиятнинг ишлаб чиқариш зарурати туфайли ижарага олинган автотранспортлар ишлаган машина-соатлар алоҳида ҳисобланганлиги ва бундан ташқари жамият харажатларини камайтириш ҳисобига фойда кўрсаткичи бажаришга имкон берганлигини айтиб ўтди.

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2023 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 310 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Жамият ижро органининг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг ички аудит хизмати бошлиғи Н.Я.Муродов сўзга чиқди. У жамиятнинг 2023 йил молиявий – хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (*ҳисоботлар илова қилинади*).

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятни 2023 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 310 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Жамиятнинг 2023 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудит “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан “Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти”га мувофиқ берилган ҳулосаси, ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартлари”га мувофиқ берилган ҳулосаси ҳамда ташқи аудит “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.О.Мавлонов сўзга чиқди. У ўз нутқида 2023 йил якуни бўйича жамият 2 654 139 000 сўм миқдорда соф фойда билан чиққанлигини айтиб

ўтди ҳамда “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгашининг томонидан соф фойданинг тақсимооти бўйича икки вариантда қуйидагича тавсия киритилганлигини маълум қилди, яъни:

1 – вариант:

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга – 75% ни, яъни 1 989 925 050 сўм;
- дивидендга – 10% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 31,5 сўмдан жами 266 093 100 сўм;
- жамият кузатув кенгаши аъзоларига ва котибига ҳамда ички аудиторга бир йўла тўланадиган мукофотга – 10% ни, яъни 265 413 900 сўм;
- жамият ижроия органи – директорга (Файзуллаев А.А.) Ўз.Рес.ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775–сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўлови – 5% ни, яъни 132 706 950 сўм мабағни йўналтиришни таклиф қилинди.

2 – вариант:

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга – 67% ни, яъни 1 778 349 084 сўм;
- дивидендга – 25% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 78,54 сўмдан жами 663 458 796 сўм;
- жамият кузатув кенгаши аъзоларига ва котибига ҳамда ички аудиторга бир йўла тўланадиган мукофотга – 5% ни, яъни 132 706 950 сўм;
- жамият ижроия органи – директорга (Файзуллаев А.А.) Ўз.Рес.ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775–сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўлови – 3% ни, яъни 79 624 170 сўм мабағни йўналтиришни таклиф қилинди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили А.О.Мавлонов ўз сўзини давом эттириб бу таклиф қилинган вариантлардан бирини тасдиқлашни таклиф қилди.

Олтинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 4 707 778 та овоз, қаршилар – 1 596 122 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган 2 654 139 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга – 67% ни, яъни 1778349084 сўм;
- дивидендга – 25% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 78,54 сўмдан жами 663 458 796 сўм;
- жамият кузатув кенгаши аъзоларига ва котибига ҳамда ички аудиторга бир йўла тўланадиган мукофотга – 5% ни, яъни 132 706 950 сўм;
- жамият ижроия органи – директорга (Файзуллаев А.А.) Ўз.Рес.ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775–сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўлови – 3% ни, яъни 79 624 170 сўм мабағ йўналтирилсин.

Еттинчи масала юзасидан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нутқида йиғилиш иштирокчиларини “Ўзпартампоаж” АЖнинг 17.06.2016 йилдаги Акциядорлар умумий йиғилишида Корпоратив бошқарув кодекси талаблари билан тасдиқланган тавсияларини бажариш ҳамда акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9–сонли йиғилиши, Корпоратив бошқарув кодексининг 10–бўлимидаги тавсияларга мувофиқ акциядорлик жамиятлари ҳар йили мустақил ташкилотни ёллаган ҳолда ўз корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиши мажбуриятини олганлигини таъкидланди.

У ўз сўзини давом эттириб, Кодекс тавсияларини бажарилишини ва “Ўзпартампоаж” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида 2023 йил учун “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ мустақил ташкилот сифатида тайинланганлигини ҳамда 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилотнинг ҳулосаси билан таништирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Жумладан, 2023 йил учун “Ўзпартампоаж” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижасига кура 607 балл тўпланди, бу фоиз шкаласи бўйича 51 % фоизни ташкил

этади. Мустақил ташкилотнинг фикрига кўра “Ўзпартампоаж” АЖ корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш натижалари “юқори” даражада деб баҳоланганлигини таъкидлаб ўтди.

Еттинчи масала муҳокамасидан сўнг, “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилот “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖнинг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 310 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилот “NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖнинг ҳисоботи тасдиқлансин ва “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомнинг 7.4-бандига асосан жамият кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига ва котибига белгиланган миқдорда бир марталик мукофотлар тўлаб берилсин.

Саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.О.Мавлонов сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июль 2016 йилдаги 207-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 9 декабрдаги 775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижро органи (ишончли бошқарувчиси)га тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланганлигини маълум қилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчисига 2024-2025 йилларда (кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бўлган давр) тўланадиган хизмат ҳақи ва (ёки) компенсацияларнинг энг кўп миқдори билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Еттинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 5 494 400 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 816 200 та овоз.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчисига тўланадиган хизмат ҳақи ва компенсациялар ҳамда уларнинг миқдори иловага асосан белгилансин (тасдиқлансин).

Тўққизинчи масала бўйича корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нутқида “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларига дивидендлар тўлаш масаласини ўрганиш жараёнида 2019 йил якуни билан ҳисобланган дивидендларни тўлаш бўйича қарздорликлар мавжудлиги ҳамда акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари аниқланганлигини айтиб ўтди.

У сўзини давом эттириб, белгиланган тартибда жамият дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш тўғрисидаги маълумотларни “Ўзпартампоаж” АЖ расмий веб-сайтида ва ягона корпоратив ахборот порталида (openinfo.uz) жойлаштирилиб эълон қилинганлигини таъкидлади.

Дивидентларни тўлаш, акциядорларнинг жамиятга тақдим этган аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ “Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд

меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд” акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгиланган.

2019 йил учун ҳисобланган дивиденд пуллари ҳисобланиб ва ҳақиқий тўланган кундан бошлаб, 3 йиллик синов муддати ўтганлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51–моддаси, жамият устави, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги” низом ва “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” низомлардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2019 йил учун акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари (2024 йил 1 июль ҳолатига) “Ўзпартампоаж” АЖнинг ҳисобига қолдириш таклиф қилинди.

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 5 530 678 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар –779 922 та овоз.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган, 01.07.2024 йил ҳолатига талаб қилиб олинмаган дивиденд қарздорлигини жамият фойдасига олиш тасдиқлансин.

Ўнинчи масала бўйича корпоратив муносабатлар ва қимматли қогозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 20 мартадаги ЎРК-351-сонли айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 ва 83-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, хусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Жамиятни 2024 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампоаж” АЖнинг 2024 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамиятга келиб тушган тижорат таклифларидан жамият ички аудиторининг Кузатув кенгашига берган ҳулосасига асосан аудиторлик ташкилотлардан қуйидаги тижорат таклифлар киритилган маълум қилди, жумладан:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва халқаро молиявий ҳисобот стандартига мувофиқ ўтказиладиган текшириш учун хизмат ҳақи (сўм)	СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиш ҳисоби текшириш учун хизмат ҳақи (сўм)
1	“EXPERT-AUDIT” ХК	95 000 000	30 000 000
2	“NEWGLOBALPROFESSIONAL- AUDIT” МЧЖ	33 000 000	7 000 000
3	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖ	32 000 000	6 000 000
4	“F-PLUS AUDIT” МЧЖ	27 000 000	4 000 000

Ўнинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 303 900 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2024 йил якуни буйича бухгалтерия хисобининг миллий стандарти ҳамда молия хисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартиларига мувофиқ ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “F-PLUS AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат хақи 27 млн. сўм миқдорида белгилансин.

2. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2024 йил якуни буйича самарадорлик муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлик йигинди кўрсаткичларари (СЙК) ва уларнинг бажарилиш фоизларининг хисобланган миқдорини текшириш учун аудиторлик ташкилоти сифатида “F-PLUS AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат хақи 4 млн.сўм миқдорида белгилансин.

Кун тартибига қўйилган **ўн биринчи** масала юзасидан сўзга жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси А.У.Махмудов чиқди. У ўз сўзида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРК-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни учинчи моддасига мувофиқ жамиятнинг амалда бўлган Уставида Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Карши шоссеси жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган бўлиб, кадастр ҳужжатларига асосан Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, “Чулқувар” МФЙ, “Темир йўл” кўчаси, 85/2-уй манзили номига ўзгартириш ҳамда жамият ходимлар штатларини (штат жадвалини) белгилаш ва тасдиқлаш масаласи жамият кузатув кенгаши ваколатидан жамият ишончли бошқарувчисининг ваколатига ўтказиш кераклиги сабабли жамият Уставига ўзгартириш киритиш орқали янгидан тасдиқлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Сўзга “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖнинг вакили Д.П.Улуғхўжаев чиқиб, жамиятнинг 5 йирик акциядори мавжудлигини инобатга олган ҳолда кузатув кенгашининг сақлаш харажатларини қисқартириш ва кузатув кенгашида тенг имкониятларни яратиш мақсадида жамият Уставининг 11.2-бандида жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини 7 нафардан 5 (беш) нафар аъзога ўзгартириш киритишни таклиф қилди ва бу таклиф қабул қилиш натижасида ҳар йилли кузатув кенгашига тўланадиган тўлов ҳисобга 111,2 млн.сўм жамият маблағлари иқтисод қилинишига эришилиш имкониятини яратишини эътироф этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, жамиятнинг устави ва ички меъёрий ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, жумладан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, заруратга кўра янги тахририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кераклигини айтиб ўтди.

Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги тахрирдаги Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилганлар таништирилди.

Ўн биринчи масала муҳокамаси якунидан сўнг ва саноқ комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 4 714 478 та овоз, қаршилар – 779 922 та овоз, бетарафлар – 816 200 та овоз.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРК-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошида кўрсатилган жамият уставида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устави тасдиқлаш бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилиниши белгиланган.

Юқорида акциядорлар томонидан берилган овозларни ҳамда қонунни инобатга олган ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави янги тахрирда тасдиқланмасин.

Кун тартибига қўйилган ўн иккинчи масала юзасидан сўзга жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси А.У.Махмудов чиқди. У ўз сўзида жамият акциядори Б.О.Суяровнинг жамиятга ишга кириш мақсадида Кузатув кенгашига ёзган мурожаатига асосан, жамият ходимлар штатлари жадвалида ҳозирги кунда бўш штат йўклиги сабабли, янги “Қувурларни мустаҳкамлаш бўйича бош мутахассис” штатини очишни инобатга олган ҳолда тайёрланган “Ўзпартампонаж” АЖнинг янги ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар йиғилиш иштирокчиларига таништирилди ва янги ташкилий тузилмани тасдиқлаш таклиф этилди.

Ўн иккинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

**тарафдорлар – 2 285 968 та овоз,
қаршилар – 1 941 322 та овоз,
бетарафлар – 2 083 310 та овоз.**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампонаж” АЖ ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали янгидан тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилинмасин.

Умумий йиғилиш раиси:

 А.О.Мавлонов

Йиғилиш котиби:

 Н.Қ.Мингяшаров

Баённома 2024 йил “ 6 ” июл куни имзоланди.